

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 522-ҳадис

522 - وَعَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَا ابْنَ آدَمَ؛ إِنَّكَ أَنْ تَبْدُلَ الْفَضْلَ حَيْثُ لَكَ، وَأَنْ تُمْسِكَهُ شَرْ لَكَ، وَلَا ثُلَامُ عَلَى كَفَافٍ، وَابْدُأْ بِمَنْ تَعُولُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيقٌ [ت 2343، م 1036]

522. Абу Умома розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Эй одам боласи! Ортиқчасини сарфлашинг ўзинг учун яхшидир. Унга мумсиклик қилишинг эса ўзинг учун ёмондир. Қаноатли бўлсанг, маломатга қолмайсан.** (Садақани) қарамоғингдагилардан бошла».

*Ином Термизий ривояти.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифда ризқ-рўз масаласи, унга қандоқ муносабатда бўлиш, кимга қачон ва қандоқ нафақа қилиш ҳақида умумий қоида бўлиб қолган асослар эълон қилинмоқда:

### 1. «Ортиқчасини аямаслик яхшидир».

Мусулмон кишининг ўзидан ортиб қолган нарсани муҳтоҷ кишиларга бермай олиб туриши яхши эмас. Бахиллик ва савоб ишлашни хоҳламаслик бўлади.

### 2. «Мумсиклик қилмоқ ёмондир».

Мусулмон киши мумсик бўлмаслиги керак. Мумсиклик ҳеч кимга яхшилик келтирмаган. Мумсиклик одамларнинг ҳам, Аллоҳ таолонинг ҳам ғазабига сабаб бўладиган ёмон сифатdir.

### 3. «Ўзига етарли бўлган маломат қилинмас».

Бирорнинг топгани ўзига учма-уч етади. Бундоқ одамни хайр-эҳсон қилмаяпсан, деб маломат қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Шунингдек, ундоқ

одам ўзини ўзи ҳам маломат қилмаслиги керак.

#### **4. «Ўз аҳли аёлингдан бошла».**

Ўзидан оширган одам нафақа беришни аввало аҳли аёлидан бошлиши керак. Бу унинг бўйнидаги вожибdir.

Имом Муслимнинг ривоятларида қуидаги қўшимча бор:

#### **5. «Устун қўл остин қўлдан яхшидир».**

Ҳар бир мусулмон хайр-эҳсон берувчи қўл соҳиби бўлиш учун ҳаракат қилмоғи лозим ва, аксинча, остин қўл - хайр-эҳсон оловучи қўл соҳиби бўлмасликка уриниши керак.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

